

Хабар

43

(944)-son

22-oktabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ёшларга эътибор — ишончга пойдевор

"Фарзандларимиз,
ёшларимиз бизнинг нафақат
ишончимиз ва келажагимиз,
ёшларимиз бугунги ва
эртанги кунимизнинг хал
килувчи кучидир!"

Ислом КАРИМОВ

Инсоният яратилганидан бери жамият ёшлар ҳисобига янгиланиб бораётти. Шуниси ҳам ҳақиқатки, қайси мамлакатда ёшларга эътибор кучли бўлса, уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун шароит яратилса, ўша юртнинг келажаги буюк ва нурли бўлиши аниқ. Буни тарих исботлайди.

Республикамиз ҳукумати ҳам юрт келажаги янада порлоқ бўлишини кўзлаб, ёшларнинг баркамол, зукко бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Бу бордаги эзгу мақсадлар "Баркамол авлод йили Давлат дастури"да ҳам ўз аксини топган. Мазкур дастурда белгилаб берилган вазифаларни бажара бориб, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида ҳам бирмунча ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бугун шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

4-5-бетлар



Алоқа оламида:

Сўнги янгилик!

Халқаро электралоқа иттифоқи ҳисоботида келтирилишича, 2010 йил якунига қадар ер юзиде интернет-фойдаланувчилар сони 2 млрд. кишидан ошади. Бу дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисми деганидир. Бу ўсиш асосан ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

"Ривожланаётган давлатлар аҳолиси шунчаки оддий интернетга эмас, сифатли ва тезкор боғлана олиш имконига эга бўлишлари лозим. Кенгполасали боғланиш — бизнинг асосий мақсадимиз. У иқтисодиётда янги иш ўринлари яради, аҳолининг таълим олиш даражасини юксалтиради, иқтисодий рақобат учун узоқ муддатли устунлик яратади", — дейди ХЭИ раҳбари Хамадун Туре.

Маълумотга кўра, интернетга боғланиш имконияти куйидаги фойзла қайд этилган: Европа — 65 фойз, Шимолий ва Жанубий Америка — 55, Осиё-Тинч океани ҳудуди — 21.9, Африка — 9.6 фойз.

Ушбу сонда:

- Замонга ҳамоҳанг ривожланиш 2
- Она тилим — гурурим 3
- Международная конференция 6
- Олмон тили дарсларида АКТдан фойдаланиш 12
- Фусункор туйгулар ижодкори 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг таклифига биноан, 19-20 октябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган “Ҳуқуқий давлатда адвокатуранинг роли ва ўрни” мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Унда бир гуруҳ адвокатлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари ва тингловчилари ҳамда тегишли идораларнинг вакиллари қатнашди.

Мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, шартномавий мажбуриятларини бажардилар. Шу муносабат билан Юртбошимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик хати йўллади.

Пойтахтимизда Франция Ҳуқуқ ва савдо уюшмаси делегациясининг ташрифи доирасида “Франция ва Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимида савдо бўйича ҳакамлик судлари — қиссий назар” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, илгор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида таълим мазмунини модернизациялаш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда юртимиз таълим тизими раҳбарлари, ўқитувчилар, услубчилар билан бирга Украина, Беларус, Мўғулистон каби давлатларнинг таълим соҳаси мутахассислари ҳам иштирок этди.

Пойтахтимизда “TashkentALE-2010” бешинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi якунланди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилиб, бир ҳафта давом этган мазкур тадбир чинакам санъат байрами тусини олди. Фотобиенналеда АҚШ, Аргентина, Франция, Италия, Швеция, Венгрия, Россия, Украина, Эрон, Бангладеш сингари 40та мамлакат вакиллари 2000 га яқин бадиий асарлари намойиш этилди.

2010 йил 15 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида “Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари” мавзuida республика видеоконференцияси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎЗААА, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Замонга ҳамоҳанг ривожланиш

Маълумки, истиқлол йилларида маънавият ва маърифатга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асариде таъкидланганидек: “Аждолларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ха-

ланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужасамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир...”

Шу маънода, асрий миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъанавий турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олиб, давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий этиштиришга йўналтирилган ислохотлар билан бирга, кутубхоначилик соҳасини ҳам бугунги замонга ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган анжуманда сўз олганлар таъкидлаганидек, бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз ахборот-кутубхона тармоғининг ривожланишида муҳим омил бўлди. Мазкур қарор эълон қилинганидан сўнг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, анъанавий кутубхона хиз-

мати кўрсатишдан замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга асос солинди.

Соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижаси ўлароқ бугунги кунга келиб, республикаимизда ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 11850 дан ошди. Биргина жорий йилнинг ўзида давлат бюджетидан

жойлардаги ахборот-кутубхона муассасаларининг раҳбар ва мутахассислари муҳокама этилган қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдирдилар.

Жумладан, сўзга чиққан ҳудудлардаги мутахассислар ўз амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасини маромига етказиш, ахборот-кутубхона му-

ассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, замонавий ва кўркам жиҳозланган кутубхоналарнинг аҳоли интеллектуал, маданий, маънавий савиясини оширишдаги роли ва аҳамиятини ошириш, таълим муассасалари ҳузуридаги АРМларни миллий ахборот ресурслари билан бойитиш, уларни “ZiyoNET” ахборот тармоғига улаш борасида ўзларининг аниқ таклифларини билдиришди.

Анжуман иштирокчилари ўз чиқишларида ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантиришда замонавий компьютер технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, бу ишларни ташкил этишда китобхонларнинг қизиқиш ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш, дунёда ахборот хуружлари кескинлашган шароитда миллий қадриятлар ва ўзлгимизни асраш, ёшлар онги ва маънавиятини шакллантиришда ахборот оқимининг таъсири ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида алоҳида тўхталдилар.

Тадбирда сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ҳам ўз сайловолди платформалари ҳамда ҳаракат дастурларида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифларни баён этишди.

Анжуман якунида билдирилган аниқ таклиф, фикр ва мулоҳазалар “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши эътироф этилди ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

“**Соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижаси ўлароқ бугунги кунга келиб, республикаимизда ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 11850 дан ошди.**”

АКМлар фаолияти учун 47 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шунингдек, “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида республикада электрон кутубхона тизимини босқичма-босқич шакллантириш ва интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш бўйича 2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан давлат бюджети, бажарувчилар ва ҳомийлар ҳисобидан 30 млрд. сўм маблағ жалб этилиши кўзда тутилган.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, мазкур ислохот, чин маънода, соҳада янги даврни бошлаб берди. Бу борада шакллантирилган ҳуқуқий базанинг мантиқий давоми сифатида ҳозирги кунда Парламент қуйи палатасида кўриб чиқиляётган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ҳудудий видеоконференция кўринишида ташкил этилган очиқ мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги студияларда,

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.А.Муҳитдинов 2010 йил 15 октябрдан эътиборан ўриндошлик асосида Тошкент ахборот технологиялари университетининг ректори этиб тайинланди.

ЎЗААА ахборот хизмати

21-OKTABR – O‘ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

Она тилим — ғурурим

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази – UNICON.UZда 21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан Республика маънавият тарғиботи маркази ҳамкорлигида “Тилга эътибор – элга эътибор” мавзусида тadbир бўлиб ўтди. Унда марказ ходимлари иштирок этди.



Тадбирда маънавият тарғиботчиси, ЎФА мукофоти лауреати, “Энг яхши воиз” республика кўрик-танловининг совриндори, филология фанлари номзоди, доцент Раҳим Жуманиёзов маъруза қилди.

Маърузачи барчани ушбу кун билан табриклаб, ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтариш йўлидаги воқеликларга тўхталиди. Жумладан, у ҳали шўролар тузуми давридаёқ “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, тилимизга расмий тил мақоми берилиши мамлакатимиз мустақиллиги учун қилган дадил қадам бўлганлиги, қонуннинг мазмун-моҳияти, ўтган йиллар давомида бу борада эришилган ютуқлар ҳамда ҳамон учраб келаётган камчиликлар хусусида сўз юритди.

– Ватанимизда 130дан ортиқ миллат ва элатлар бир оила вакилларидек яшаб келмоқда, – деди маърузачи. – Уларнинг ўз она тилларида бемалол таълим-тарбия олишлари, миллий урф-одатлари-

ни эркин ўзлаштиришлари ва ривожлантиришлари конституциявий қафолатлаб қўйилган. Хукуматимиз томонидан ҳам бу масалада барча имкониятлар яратиб берилган. Пойтахтимизда, барча вилоятларда турли маданий марказларнинг фаолият кўрсатаётганлиги, қўллаб-қўллагичларнинг нашрлари чоп этилиб, телекўрсатувлар эфирга узатилаётганлиги фикримиз исботидир. Бошқа миллатлар тилини камситмаган ҳолда ўзбек тилини ривожлантириш, барча жабҳаларда кенг қўлланишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хукуматимизнинг оқиллона сиёсати натижасидир. Шундай экан, ўзбек тили шу юрда яшовчи ҳар бир одамнинг фахрига айланмоғи лозим.

Шунингдек, Р.Жуманиёзовнинг ўзбек тили нақадар бойлиги, ўзига хос жозибаси, шеваларда учрайдиган сўзлар ҳақидаги мисолларини йиғилганлар катта қизиқиш билан тингладилар. Ўз навбатида, улар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

– Республика маънавият тарғиботи маркази билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, – дейди UNICON.UZнинг Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими Муборак Ғафурова. – Турли байрамларимиз, буюк бобоқалонларимиз таваллуд айёмлари, бугунгидек саналар таниқли шаҳслар, олим ва ёзувчиларимиз иштирокида ўтмайди. Уларнинг маърузалари, қимматли ўнгитлари ходимларимиз маънавиятини оширишда жуда муҳимдир. Зеро, маънан баркамол кишилар хизмат қиладиган корхонада иш суръати ҳам, ўзаро ҳурмат-эътибор ҳам юқори бўлади. Ўйлайманки, бугунги тadbир ҳам ходимларимиз ҳаётида унутилмас воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Уларнинг она тилимизга бўлган ғурурини янада оширадиган, мустаҳкамлайди.

Усмонжон Йўлдошев,
“Xabar” мухбири

Ўзбеккона қалб билан...

Бугун юртимизнинг қай бир манзилига бормаёлик, қабул қилинган қонун ижроси билан боғлиқ хайрли ишларга гувоҳ бўлаемиз. Атамалар ўзлгимизга қайтаётганимиздан дарак бериб турибди. Фикримни сеvimли соҳамдаги ўзгаришлар мисолида исботлайдиган бўлсам, боғламамиз истиқбол йилларида “Қарлук” деб номланди. Олтинсойдаги катта қавмнинг тарихий атамаси яна тилга тушди.

Ёки телекоммуникациялар боғламамизга қарашли 15та шохча “Алломиш”, “Бибизайнаб” каби дилимизга яқин ном билан аталган. Дарҳақиқат, миллатимиз кечмиши она тилимиз орқали элдан-элга кўчиб, асрлар оша “чоринингнинг унутма” қабилда мактаб вазифасини бажариб келмоқда. Эътиборлиси, унда беқийёс маънавиятимиз ўз ифодасини топган.

Ун тўққиз йилдирки, биз ўзбеккона қалб билан яшаймиз. Энди ўз тилимизда иш юритмоқдамиз. Ариза, билдирги, ҳисобот ва талабнонамалар она тилимизда ёзилмоқда. Бир сўз билан айтсам, бугун ҳуррият шабадасидан баҳра олиб, тинч-хотиржам турмуш кечириб турганимизга минг бора шукур қилсақ арзийди. Ўз навбатида, барча юртдошларимизни “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлигининг 21 йиллик байрами билан табриклайман.

Меҳринисо Жўраева,
“Қарлук” телекоммуникациялар боғламаси ходими,
Сурхондарё вилояти

Тошкент ахборот технологиялари университетида “Тилим — менинг ғурурим” мавзусида алабий тadbир ўтказилди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тadbирга университетнинг “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси ўқитувчилари бош-қош бўлдилар. Унда олийгоҳ ўқитувчилари, талабалар иштирок эттишти.

Тadbирни маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул Н.Мўминов кириш сўзи билан очиб, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг аҳамияти ҳақида гапирди.

Талабалар томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар, шеърлар, ҳикматли сўзлар тadbирга ўзгача кўрк бағишлади. Айниқса, Ватан, юрт ҳақидаги шеърларнинг русийзабон талабалар томонидан ўқилганлиги барчани мамнун қилди.

Зухумор РАЖАБОВА,
ТАТУ “Ўзбек ва рус тиллари”
кафедраси ўқитувчиси



Самарқандда семинар-тренинг

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди.

Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам вилоятдаги 314га яқин ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорликда қатор ўқув-семинар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, тажриба алмашиш каби тadbирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 14 октябрь куни АКМ ахборот технологиялари бўлимида “Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Семинар кун тартибига киритилган “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари-2010 халқаро саммити”, “Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-амалий семинар материаллари шарҳи, “Ўзбекистонда электрон кутубхонасини яратиш ҳолати”, “АКМда ЭКни яратиш устида ишлаш”, “Кутубхона Uz” ойномаси саҳифаларида шарҳ, “АКМ ва АРМларнинг ўзаро ҳамкорлиги” мавзуларида мутахассислар маърузалари тингланди.

Самарқанд шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши “Фаол аёллар” қаноти, Самарқанд давлат чет тиллар институти хотин-қизлар кенгаши, Пушкин номидаги ахборот-кутубхона маркази ҳамкорликда 18 октябрь — Самарқанд шаҳри кунига бағишлаб “Самарқандим — она шаҳрим, дурдона шаҳрим” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тadbирда “Самарқанд дунё цивилизациясининг бешиги” мавзусида СамДЧТИ тарих фанлари номзоди М.Ҳамдамова, “Самарқанд аёллари жаҳон нигоҳида” мавзусида ЎзХДП вилоят Кенгаши “Фаол аёллар” қаноти раиси Д.Имомоваларнинг маърузалари тингланди.

Шундан сўнг АКМ томонидан тайёрланган “Самарқандим — фахрим менинг” номли кўргазмаси шарҳи бўлиб ўтди. Тadbир самарқандлик фаол аёлларни тақдирлаш маросими ва мусиқали тadbир билан якунланди.

Маҳбуба КУЛОВА

Почтада ROPJMAT тизими

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан «REBIC» МЧЖ ўртасида тузилган шартнома асосида яратилаётган «Рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари ўтишини мониторинг қилиш автоматлаштирилган тизими» (ROPJMAT) дастурини синовдан ўтказишда филиалларнинг мутахассисларини тайёрлаш мақсадида 2010 йил 15 октябрь куни филиалларнинг почта алмашинуви пункти ходимлари ва

ахборот технологиялари бўйича мутахассислари иштирокда амалий-ўқув семинар ўтказилди.

Шу куннинг иккинчи ярмида семинар иштирокчилари «Халқаро почта» филиалига ташриф буюришди ва у ерда ROPJMATни синов ишлари билан яқиндан танишишди.

pochta.uz

Xalqaro hayot



КИМЁ ЗАВОДИДА ЁНГИН

Хитойнинг Цзянсу музофоти Нанкин шаҳридаги кимё заводлари-дан бирида ёнгин содир бўлган. Бу ҳақда "Синхуа" агентлиги хабар тарқатган.

Манбада таъкидланишича, завод ҳудудида кучли портлаш юз берган ва куюқ қора туғун кўтарилган. Ёнгинни бартараф этиш анча муаммо туғдирган.

Ҳозирча офатдан зарар кўрганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ИРОҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Ироқ оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, мамлакат нефт вазирилик иккита йирик газ қонида қайта ишлаб чиқаришни олиб бориш бўйича тендер ўтказди. Тендерда хорижнинг 13та компанияси, жумладан, Россия-Британия ТНК – BP компанияси, Франциянинг Total, Италиянинг Eni ва Edison, Норвегиянинг Statoil ҳамда Жанубий Кореянинг KOGAS компанияси иштирок этди.

Хиллари Клинтон:

"ФУҚАРОЛАРИМИЗНИ ОЗОД ҚИЛИНГ"

АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон Эронни яна бир бор Техрон қамоқхонасидаги икки нафар Америка фуқароси — Жошу Фэттэл ва Шэн Бауэрни озод қилишга чақирди. Америкалик адвокатнинг маълум қилишича, Эрон ҳукумати 6 ноябрда уларни суд қилишни бошлашни режалаштирган. ABC News телеканали Давлат котибининг "Биз ишонамиз-ки, Эрон ҳукумати фуқароларимизни инсонпарварлик нуқтаи назаридан озод қилади, чунки уларни суд қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ", — деган сўзларини иқтибос келтирган.

АҚШлик Жошу Фэттэл ва Шэн Бауэр 2009 йилнинг июлида Эрон-Ироқ чегарасидан ўтаётганда эронликлар томонидан қўлга тушган ва жосусликда айбланиб, қамоққа олинган эди.

МИЛЛИОНЛАР ҲАЁТИ ХАВФ ОСТИДА

Таиландда сўнгги ўн йилдаги энг кучли сув тошқини юз берди, оқибатда етти киши ҳалок бўлди. Шу заҳоти ўнлаб музофот табиий офат ҳудуди деб, учтасида эса фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Мамлакатнинг шимолий ва шимоли-шарқига қутқарув отрядлари ва миңлаб ҳарбийлар ҳақолини эвакуация қилиш учун шошилиш тарзда ёрдамга юборилди. Сўнгги маълумотларга кўра, сув тошқинидан миллиондан ортиқ одам жабр кўриши мумкин.

*Интернет материаллари асосида
У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади*

➔ АЛОҚА ОЛАМИДА

Apple: уч ойда

4 миллиард соф фойда

Apple дунё бозорини ҳайратда қолдиришда давом этмоқда. Стив Жобс компанияси учинчи чоракликдаги сотув ва даромад ҳақида ҳисоботларни эълон қилди. Компаниянинг уч ойлик даромади 20 миллиард доллардан ошган, соф фойда 4 миллиарддан ошди. Компания шу қисқа муддат ичида 14 миллион iPhone ва 4 миллион iPad сотган.

Инсофли ўғри

Швециянинг Умео университети профессори ноутбукни ўмариб кетган ўғри қутилмаган қарорни амалга оширди. У профессорнинг ноутбукида ёзилган барча илмий ишларини USB-флэш-кага кўчириб, унинг эгасига етказди.

Профессор ўз ноутбукни йўқотганидан жуда афсусда юрган-ди. "Менинг ўн йиллик ҳаётим ўша ерда эди", деб куюнган олим бир ҳафта ўтар-ўтмас хатжилд ичида USB-флэшкани олди. Унда барча керакли маълумотлар бор эди.

"Мен жуда бахтлиман. Бу воқеа инсонийликка бўлган ишончимни оширди. Ахир, компьютер ёки фотоаппарат йўқотганлар ускунанинг ўзига эмас, унинг ичидаги қадри ва қимматли маълумотларга кўпроқ ачинадилар", деди профессор.

Испания Googleни

жаримага тортмоқчи

Бир қатор Европа мамлакатлари қаторида Испания ҳам Google Street View лойиҳаси бўйича ўз эътирозини билдирди. Яқинда Испаниянинг маълумотлар ҳимояси бўйича агентлиги Америка компаниясини маҳаллий интернет-фойдаланувчилардан ноқонуний равишда маълумот олганликда айблади ва ишни Мадрид судига оширди. Хўжжатларда Google ҳар бир қоидабузарлик учун 60 000 - 600 000 евро миқдориде жаримага тортилиши мумкинлиги қайд этилган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Амалиётда сараланиб

Талабаларнинг танлаган соҳасига қизиқиши ортишида, бўлгуси касбига муҳаббат кўйишида ишлаб чиқариш амалиётининг қасрда ўталганлиги ҳамда иш ўргатувчи устозларнинг талабага бўлган муносабати муҳим рол ўйнайди. Зеро, меҳрли устоз амалиёт ўтаётган талабага ўз фарзандидай қарайди, касбининг сир-асорларини пухта ўргатади. "ТШПТ" филиалида ана шундай устозлар кўп. Шунинг учун ҳам ушбу корхонада амалиётда бўлган талаба ўқишларини битиргач, шу ерда ишлашни орзу қиладилар.

— Ушбу йил бошидан бери Тошкент ахборот технологиялари университетидан 118 нафар, шунингдек, Тошкент алоқа, Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежларидан 1569 нафар талаба ўз ишлаб чиқариш амалиётларини бизнинг корхонада ўтади, — дейди филиал ходимлар бўлими бошлиғи Матлуба Насриддинова. — Ушбу талабаларнинг амалиётдан тўлиқ фойдаланишлари учун барча шароитни яратиб бердик. Корхонамизнинг энг малакали мутахассислари уларга касб сирларини ўргатишди. Шунинг алоҳида таъкидлашни истар эдимки, бу йилнинг ўзида корхонамизда амалиётини ўтаган 17 нафар ёш мутахассисни ишга қабул қилдик. Улар коллеждаги ва ишлаб чиқаришдаги устозларининг юзини ерга қаратмаган ҳолда астойдил, қизиқиш билан меҳнат қилмоқдалар. Йил охирига қадар эса яна 12 нафар битирувчини ишга олишни режалаштирганмиз.

Биз "ТШПТ" филиалида янги иш бошлаган ёшлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Менинг Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежини битириб корхонага ишга келганимга кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди З.Муҳамедов. — Айни пайтда Собир Раҳимов телефон боғламасида линия электромонтёриман. Касбимни яхши кўраман. Ўз ишим орқали одамларнинг узогини яқин қилишдек эзгу ишга ўз ҳиссамни кўшяпман. Қолаверса, республикамиз ҳукумати биз учун барча имкониятларни яратиб берган экан, ҳурматли устозларимиз ва Юртбошимиз ишончини оқлаш биз ёшларнинг бурчимиз ва энг муҳим вазифамиздир.

Ёшларга

Сиртки таълим учун коллежга

Ҳаётда шундай одамлар ҳам борки, ҳали бола пайтидаёқ унда бирор касбга мойиллик пайдо бўлади. Маъшу мойиллик, қизиқиш уни яхши ўқиб-ўрганишга, касб сирларини пухта билиб олишга даъват этади. Шунинг учун ҳам у мактабни битириб ўзини ишга уради. Ўзидаги тиришқоқлик, улабурунлик туғайли топширилган вазифани эплаб ҳам кетади.

— Лекин барибир ўқишнинг ўрни бошқа экан, — дейди Янгиобод телефон боғламаси кабел кавшарловчиси Х.Аҳмедов. — Сабаби, замон шиддат билан ривожланипти. Айниқса, алоқа соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг миқдоси катта. Телефон боғламаларига турли русумдаги чет эл технологиялари олиб келиняпти. Уларни бошқариш учун биргина иш билишининг ўзи камлик қилади. Бунинг учун билим ниҳоятда зарур.


Корхонамизда биз ёшларга яратилган имкониятдан фойдаланиб, мен ҳам ўқишга, билмаганларимни ўрганишга қарор қилдим. Ҳозир Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида сиртдан ўқияпман. Фойдаси катта бўляпти, албатта.

Ҳа, корхонада ёшларнинг ҳам ишлаб, ҳам билим олишлари учун етарли шароит яратилган. Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида сиртдан таълим олаётган 13 нафар, Тошкент ахборот технологиялари коллежида ўқиётган 27 нафар ходимнинг контракт-тўлов пуллари корхона ҳисобидан тўланапти. Бундай гамхўрликни, эътиборни ҳис қилган ёшларда эса ўзига нисбатан ишонч ортмоқда, корхона ривожига ҳисса қўшиш иштиғи кўпаймоқда.

Хизмат

пиллапоялари

"Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган мақол бор халқимизда. Бу ҳар бир иш ўзининг устаси томонидан амалга оширилиши лозимлигига ишо-



Миробод телефон боғламаси 254/55 ЭАТС электромонтёри Муҳиддин Турғунов.

ЭЪТИБОР - ИШОНЧГА ПОЙДЕВОР


ра. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак-да. Касбини севган, унга қизиққан инсон ўша касбнинг барча иқир-чиқирларини билиб олишга ҳаракат қилади. Билмаганларини устозларидан, ҳамкасбларидан сўрашга орланмайди. Жуда иложи бўлмаса, китоб титкилайди. Ана шундай — ишни оддий ходимликдан бошлаган мутахассис раҳбар бўлиб қолса борми? Бундан жамоа фақат ютади, холос.

"ТШТТ" филиали катта корхона. Унда ўнлаб телефон ва алоқа боғламалари мавжуд. Бу боғламаларни ўз соҳасини яхши биладиган, синчков ва билимли инсонлар бошқарса, бу муваффақиятга эришишнинг муҳим омилларидан биридир.

— Шунинг ҳисобига олиб, раҳбарлик лавозимларига ўз ходимларимизни тайёрлашимиз, — дейди филиал директори Абдурашид Абдумўминов. — Аниқроқ айтилган бўлсам, иқтисодкор мутахассисларимизни раҳбар

ни бўшатиб берапти. Айниқса, алоқа соҳаси жадаллик билан ривожланыпти. Алоқа компаниялари ўртасида пайдо бўлаётган соғлом рақобат ривожланишини янада жадаллаштирмоқда. Бу эса алоқа соҳасининг ҳар бир ходимдан ўз устида кўпроқ ишлашни, ўқиб-ўрганишни, кучли билимга эга бўлишни, соҳадан ташқари тадбиркорликка оид билимларга ҳам эга бўлишни тақозо этмоқда. Негаки, тадбиркорлик соҳасида чуқур билимга эга бўлиш бугунги бозор иқтисоди шароитининг муҳим талабларидан бири.

Шунинг учун ҳам филиалда ходимлар малакасини оширишга биринчи галдаги вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. 2010 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида тўққиз нафар раҳбар, 193 нафар мутахассис ҳамда 16 ишчининг Инженер-техник ўқув марказида, 30 нафар мутахассиснинг Фуқаролар муҳофазаси институтида, бир кишининг Корея давлати Сеул экс-



Фаррух каби ёшларга ишонч билдирилди.

олган ходимларимизга ўз устларида кўпроқ ишлаш ва ўрганиш тавсия қилинди.

Ироданинг орзуси

Ирода Қодирова Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация факултетида таҳсил олади. Мақсади соҳа сирларини пухта эгаллаш.

Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек, Ирода ҳали мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ, қиз бола бўлишига қарамай, техникага қизиқар, радио ёки телевизор қисмларини ажратиш, яна жой-жойига қўйиш унинг сеvimли машғулоти эди. Мана шу қизиқиш уни ТАТУга етаклади. Айни пайтда у аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, ўз ишлаб чиқариш амалиётини "ТШТТ" филиалида ўтамоқда.

— Филиалдагилар мени илиқ кутиб олиб, яхши муносабатда бўлишди, — дейди Ирода мамунуният билан. — Мен бу ерда бўлган чоғимда маркетинг ва таксофон бўлимидаги ишлар билан танишдим. Станцияни автоматик бошқарув залида бўлдим ва кўшимча хизмат турларини ҳам ўргандим. Мен филиал ходимларидан беҳад миннатдорман ва ўқимини битириб, улар сафига қўшила олсам, ўзимни гоят бахтиёр ҳис этардим.

Орзуларинг амалга ошсин, Ирода!

Масъулият юки

Биз Баркамол авлод йилининг сентябр ойидан бери раҳбарлик лавозими учун синов муддатини ўтаётган ёш, лекин уздабурон ва билимли мутахассислардан бири — Фаррух Рустамов билан суҳбатлашдик.

Фаррух Тошкент шаҳрида, тиш шифокори Венера ҳамда курилиш бўйича мутахассис Шохрух Рустамовлар оиласида дунёга келди. Зиёли ота-она фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор беришди. Шу сабаб болаларнинг дарсдан кейинги вақтларида кўчада бемақсад ўйнаб юришларига йўл қўйилмади. Фаррух дўстлари билан радио тўғарагага қатнади. Шу тариқа унда алоқачилик касбига қизиқиш пайдо бўлди — мактабни битиргач, Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кирди.


Дастлабки иш фаолиятини "Тошкент Телеком" филиалида маҳаллий телефон алоқаси бўлими муҳандислигидан бошлаган Фаррух Рустамов кейинчалик Давлат алоқа инспекцияси санкция ва шикоятлар билан ишлаш, курилиш бўлимидаги муҳандис бўлиб ишлади. 2005 йил сентябр ойидан эса "ТШТТ" филиали капитал курилиш участка муҳандислигига ўтказилди. Шундан бери у мазкур корхонада. Филиал капитал таъмирлаш бригадаси ҳамда капитал курилиш хизмати бошлиқлиги вазифаларини ишониб топширган филиал раҳбарини уни шу тариқа раҳбарлик лавозимига тайёрлаб бориши. Мана, иккинчи ойдики, у Миробод телефон боғламасига қарашли катта ҳудудда аҳолига алоқа хизмати кўрсатишдаи масъулиятли вазифани уздаблар келмоқда.

"Зиммангизга юклатилган вазифани бажаришда қийналмаяпсизми?", деган саволимизга Фаррух Рустамов шундай жавоб берди:

— Раҳбарликнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Бир кунда бир нечта муаммони ҳал қилиш, мижозлар талабини адо этиш. Бундан ташқари Миробод, Яккасарой, Сергели туманлари ҳокимликлари билан яқин алоқада бўлиш. Лекин ҳаёлимни доимо битта фикр банд этиб туради. Мен Ўзбекистондай жаннатмонанд юрда туғилдим. Ота-онам, биз ёшларга катта умид билдираётган Юртбошим гамхўрлигида вояга етдим. Яратилган катта имкониятлардан фойдаланиб ўқидим, касб эгалладим. Энди бор куч ва билимимни ишга солиб меҳнат қилиш, шу йўл билан мамлакат ривожига ҳисса қўиши менинг бурчим ва биринчи ўриндаги вазифамдир. Ана шу бурч мени доимо астойдил, юракдан ишлашга чорлаб туради. Шу сабаб, қийинчиликлардан чўчимаيمان.

Ҳа, юртимиз ёшларига кўрсатилган эътибор уларда пайдо бўлаётган ишончининг, гайрат-шижоатнинг орттишига пойдевор бўлиб хизмат қилапти. Ёшларимиз ҳалемай катта куч бўлиб майдонга чиқадилар ва республикада олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири



Ирода Кодирова маркетинг бўлими мутахассиси Дмитрий Борисов билан.

қилиб тарбиялашмиз. Ахир, раҳбарлик ҳам ўзига хос санъатни талаб этади. Шу мақсадда ўрни бўшаган раҳбар ходимлар ўрнига ўзимизда ишлаб "пишган" ходимларни икки ойлик синов муддати билан ишга ўтказдик. Масалан, Атҳам Маҳамедовни олайлик. Ишни ўзимизда оддий диспетчерликдан бошлаган. ТАТУга ўқишга кирганида контракт-шартнома тўлови корхона ҳисобидан тўланган. Ўқишни битириб, ишни ўзимизда давом эттирди. Ҳозирда техник масалалар бўйича директор ўринбосарлиги вазифасини қийналмай уздабляпти. Синов муддатидан яхши ўтса, ушбу лавозимни ишониб топширамиз.

Шунингдек, Саидақром Султонхўжаев, Фаррух Рустамов, Жаҳонгир Назаров, Абдувоҳид Одилов ҳамда Алишер Салмоновлар ҳам синов муддатини ўтамоқдалар.

Замонга мос билим зарур

Яшаётган асримизни техника асри деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатан ҳам бугун ишлаб чиқаришга жорий этилган янгилик эртага бошқасига ўз ўрни-

перлар ўқув маркази, бир раҳбар ходим ва уч нафар мутахассиснинг Москвадаги "Инверсон технологияс" ўқув курсларида ҳамда 3 нафар ходимнинг Санкт-Петербург "Прогресс" ахборот технологиялар маълумот маркази семинарида иштирок этгани фикримиз далилидир.

Шунингдек, иқтисодий таҳлил, прогноزلаш ва тарифлар бўлими бошлиғи Жаҳонгир Абдимўминов Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия академиясида таҳсил олаётган бўлса, филиал бош ҳисобчиси Алишер Турсунов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият курилиши академияси қошидаги Бизнес мактабида таҳсилни бошлади.

— Бундан ташқари, — дейди филиал маркетинг ва таксофон хизмати бўлими бошлиғи Азизхўжа Набиев. — Биз ходимларимизнинг компютер саводхонлигини оширишга алоҳида аҳамият бераймиз. Уларнинг саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида ТАТУ қошидаги UzCDL марказида тест синовлари ташкил этилди. Ушбу тест синовларида қуйи погондан ўрин

Международная конференция

4-5 ноября 2010 года в Ташкенте состоится международная конференция на тему: «Внедрение технологий широкополосного доступа. Проблемы и пути их решения».

Конференция организована Центром UNICON.UZ и Научно-техническим обществом радиотехники, электроники и связи Узбекистана.

Целью конференции является выявление проблем, препятствующих развитию и внедрению технологий широкополосного доступа, предоставление участникам информации о новейших достижениях в области развития сетей широкополосного доступа, выработка рекомендаций по ключевым аспектам развития и внедрения технологий широкополосного доступа.

В ходе конференции планируется обсуждение таких

вопросов, как: современное состояние внедрения технологий широкополосного доступа; задачи и возможности, связанные с внедрением широкополосного доступа; регуляторная политика, деятельность и возможности операторов в области широкополосного доступа; тенденции развития технологий широкополосного доступа; перспективы внедрения современных технологий широкополосного доступа; преодоление цифрового разрыва с помощью технологий широкополосного доступа и универсализация услуг широкополосного доступа; возможности и задачи рынка широкополосных технологий.

Каждую секунду в мире отправляется более 200 тыс. SMS

К концу 2010 года в мире будет отправлено в общей сложности 6,1 трлн. SMS-сообщений. Эта цифра приводится в отчете по исследованию, проведенному недавно Международным телекоммуникационным союзом (ITU).

Согласно международному агентству ООН по информационно-коммуникационным технологиям, мобильные телефоны теперь доступны для 90% населения мира. По оценкам ITU, к концу 2010 г. количество абонентов сотовой связи будет насчитывать 5 млрд. 300 млн. человек, сообщает Вести.Ru.



16,2-мегапиксельный CMOS-сенсор будет установлен в телефоне Sony Ericsson S006



Новый большой CMOS-сенсор будет установлен в телефоне от Sony Ericsson — S006, который поступит в продажу в сети KDDI.

Другие спецификации телефона включают процессор изображений Exmor R, уровень ISO 12800, процессор Snapdragon 1 ГГц, Wi-Fi.

В телефоне также будет GPS-навигатор, встроенный тюнер FM, Bluetooth, 3,3-дюймовый дисплей с разрешением VGA 640x480. О стоимости модели информации пока нет.

Главный инженер Microsoft покидает компанию

Рэй Оззи (Ray Ozzie), один из основных управляющих Microsoft, сменивший в свое время на посту главного программного инженера-разработчика Билла Гейтса (Bill Gates), складывает свои полномочия в рамках действий компании по возвращению утерянной доли рынка в мобильном секторе.

Господин Оззи, известный своей работой над Lotus Notes, в 2006 году сменил на посту главного программного инженера-разработчика Билла Гейтса: последний покинул Microsoft, дабы сконцентрироваться на своей благотворительной неприбыльной организации. Во время пребывания на посту Рэй Оззи выступил с рядом инициатив, касающихся облачных вычислений и интернет-служб, наиболее известной из которых является платформа Azure.

Аналитик из Fort Pitt Capital Group отмечает, что увольнение Рэя Оззи со столь высокого поста в Microsoft вряд ли негативно повлияет на будущее программных разработок компании, потому что тот не оставил заметного следа.

Другие рассматривают смену руководства компании в качестве очередного доказательства проблем Microsoft, начавшихся с уходом Билла Гейтса. Так Тоан Трен (Toan Tran) из Morningstar отмечает, что после ухода Билла Гейтса Microsoft позволила Google занять передовое положение в интернет-поиске, Apple стала лидером в смартфонах и теперь, с выходом iPad, угрожает создать целую индустрию компьютеров не работающих с Windows.

Это увольнение наверняка связано с недовольством совета директоров в связи с неудовлетворительной деятельностью компании на мобильном и планшетном рынках.

БОЛЕЕ 10 500 МЕЛОДИЙ В КАТАЛОГЕ УСЛУГИ «GOOD'OK»

Услуга «GOOD'OK», запущенная в Узбекистане в ноябре 2007 года, сегодня — один из наиболее популярных сервисов «МТС-Узбекистан». Услуга позволяет абонентам выбирать и устанавливать мелодии или фразы, которые проигрываются вместо привычных длинных гудков при ожидании ответа.

Можно назначить мелодии для определенного абонента или групп абонентов, на конкретный день (например, день рождения, праздник, день недели) или на выбранное время (например, 9.00—15.00).

Каталог услуги «GOOD'OK» постоянно пополняется. На сегодняшний день он включает в себя уже более 10 500 мелодий и крылатых фраз. Среди них — широкий выбор композиций узбекских, российских и других зарубежных исполнителей, популярных шуток и фрагментов из саундтреков к фильмам.

Полный список мелодий, которые абонент может установить вместо телефонного гудка, можно посмотреть на сайте www.goodok.mts.uz.

Основные параметры услуги «GOOD'OK»:

- подключение услуги — бесплатно;
- стоимость мелодии или фразы — от \$0,60 до \$2,00;
- срок действия композиции — 30 дней.

Заказать мелодию можно по телефону 05502 (следуя голосовым подсказкам), а также на сайте www.goodok.mts.uz.

Тяжело ли быть студентом?

Говорят, что поучиться в институте нужно обязательно — и если не для знаний, то хотя бы ради студенческой жизни. Любовь, экзамены, бессонные ночи, комната в общежитии, в которой может собраться полкурса, — в общем, будет что вспомнить.

Но ведь можно посмотреть и с другой стороны. Каково это, осознавать себя уже не ребёнком, но ещё и не взрослым? Ведь до полной самостоятельности (в материальном и моральном плане) многим современным студентам ещё далеко.

Конечно, есть молодые люди, которые с первого курса начинают работать, чтобы достичь полной независимости. Они-то как раз рано становятся взрослыми. Главное, не сломаться. Не бросить универ, почуввав вкус денег, ведь потом придётся жалеть всю жизнь об упущенном. А ещё не попасть на «уловки» мошенников, наживаю-

щихся на низкооплачиваемом труде. Ну, или вовсе не оплачиваемом. А их в городе на каждого легкомысленного и неопытного студента тысячи!

Берегись студент, не так уж всё легко, как казалось, поступая в ВУЗ! Думал, закончишь respectable учебное заведение — и вот оно счастье: карьера, деньги, успех! Тут главное не обмануть надежд: работу после окончания универа ты наверняка будешь искать себе самостоятельно. Так как даже самым лучшим ВУЗам не справиться с количеством студентов и всем работку «на миллион» не найти! Так

что лучше это делать заранее, чтобы к 4 курсу у тебя был уже хотя бы минимальный опыт работы, ведь на приличные высокооплачиваемые места даже с высшим образованием, но без опыта почти не берут.

А если подумать о более глобальных проблемах, чем деньги, то встаёт вопрос о семье.

А семью студентом строить пока нежелательно из-за финансовых проблем, да, может, и как личность ещё не сформировался? Но ведь, если задуматься, то поколение наших родителей по большей части создавали именно студенческие семьи! Значит, всё-таки времена были другие? Наличием миллионов вроде не отличалось, но женатым студентам в то время было гораздо больше! После окончания университета тебе будет года 22-23. А есть некоторые так называемые «вечные студенты», которые по разным причинам и в 24

выбывают на 1 курсе. В 22-23 как раз время строить карьеру и зарабатывать деньги, ведь это даже по физическим параметрам самый активный и продуктивный возраст. Вот работаете себе, карьеру делаете? А как же демографию улучшать? Как же всё успеть? И карьеру поставить на нужные рельсы и потомство нарожать? Мало жизни — ответ один получается. Вот если б две или три было+ Но, а если оставить утопические размышления о количествах жизней, то, наверное, для каждого «вовремя» по-своему. Главное, не упустить свой шанс начать карьеру, когда подвернулась возможность, и семьеёе обзавестись. А судьба она сама всё подправит, выстроит. И если суждено было тебе стать президентом, то и с 5 детьми станешь!

Нэлли КАЛЮЖИНА,
студентка 4 курса ТУИТ

Linux амалиёт тизимига ўтиш бутун дунёни қамраб олди. Ҳатто баъзи мамлакатлар давлатга қарашли компютерларга Linux тизимини ўрнатиш тўғрисида қонунлар қабул қилишган. Бу қанчалик ўзини оқлайди? Чунки компютерда амалиёт тизими сифатида Windowsни қолдириш учун сабаблар етарлича топилди.

1) Windowsни ўрнатаркансиз, компютердаги аксарият қурилмалар тизим ўрнатилган заҳоти ишлаб кетишига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин (ёки муайян қурилмага қўшимча сифатида тақдим этиладиган драйверлар ўрнатилгач).

2) Тизим ўрнатилиши ҳақида гап кетаркан, «виндовс» жуда тушунарли эканлиги билан диққатга сазовор. Windowsни ўрнатиш ёки қайта ўрнатиш серзаҳмат иш эмас. Бор-йўғи ўрнатгич дисководга қўйилса бас, ўз-ўзидан керакли тавсиялар асосида юкланишлар амалга оширилади. Бир марта кўрган одам бунни яхши эслаб қолади.

3) Windows амалиёт тизимлари оиласи компютерни энди ўрганаётганлар учун жуда ҳам қулай. Компютерни тушунмайдиганлар билиб-билмай тизимни ишдан чиқариб қўйишлари эҳтимоли йўқ даражада. Windowsда ишлаш «сичқонча»ни ҳаракатлантириш, «ҳа», «йўқ», «бекор қилиш» жавобларидан бирини танлашдан бошланади. Қолган кўникмалар тизимда ишлаш давомида орттирилади.

4) Windowsдан фойдаланаркансиз, қайсидир вазифани бажариш учун керакли дастурий таъминотни тополмай қолишдан ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Бу амалиёт тизими учун шунчалик кўп дастурлар ишлаб чиқарилган ва бу дастурларнинг турлари шунчалик кўпки, сиз интернетга кириб ўзингизга кераклисини қидиришингизга ҳожат қолмайди. Тўғри, бу дастурларнинг аксарияти бепул эмас, аммо «арзоннинг шўрваси татимас» деганларидек, керакли натижага, белгиланган сифатга эришишда кўпинча ишончли дастурларга сармоя киритиш ўзини оқлайди.

5) Windows ишдан сўнг (ёки ишгача) кўнгилли ҳордиқ чиқаришни кафолатлайди. Гап ўйинлар ҳақида кетяпти, «виндовс»да улар жуда кўп. Компютер

ўйинлари дискларини сотиб олишда эътибор берган бўлсангиз, уларнинг деярли барчаси Windows учун мўлжалланган.

6) Ҳамма яхши нарсалар каби Windowsга жуда тез ўрганиб қоласиз. Бир неча ҳафта фойдалангач, унинг график интерфейси кўз олдингизда шунчалик шаклланиб қоладики, ҳатто кўзни юмиб ҳам диск дефрагментациясини амалга ошириш ёнки бирон-бир илова ўрнатишни уйдалай оламан деган тўхтама келишингиз мумкин.

7) Windows тизимининг аксарият фойдали созлашлари битта ерда жойлашган, «сичқонча» тугмасини

икки марта боссангиз бас, керакли жойдасиз. Ҳа, гап бошқарув панели ҳақида кетяпти. Доим ёрдамга шай восита фойдаланишга қулайлиги билан кўзни қувнатади.

8) Бир қарашда Windows услуби зерикарли, олдий кўрингани билан, агар ўзингиз хоҳласангиз, ундаги мавзу (тема), курсор ва ҳоказоларни чиройли ва қулай кўринишга келтиришингиз мумкин.


9) Windows фойдаланувчилари камдан-кам ҳолатларда командалар қаторидан фойдаланишларига тўғри келади. Фойдаланувчилар кўзланган мақсадга тизимнинг график интерфейси воситалари орқали ҳам эри-

шишлари мумкин.

10) Windows ўз хусусиятларига кўра универсал тизимдир. Дизайнерчи, дастурчи, талаба ёки мактаб ўқувчиси ундан бирдай фойдаланиши мумкин. Балки Windowsнинг бошқа амалиёт тизимларидан энг катта устунлиги ҳам шу жиҳатидир.

Хулоса ясайдиган бўлсак, қайси тизимни танлаш сиз ва фақат сизнинг ўзингизга ҳавола. Агар Windowsда ишлаш сиз учун қулай ва осон бўлса, уни алмаштирмаганингиз маъқул. Ахир, компютерда ишлашда энг асосийси бу — натижа.

Windowsда қолишнинг 10 сабаби



6) Linuxнинг файл тизими кўп имкониятларни тақдим этади. Масалан, Linuxда узоқ вақт давом этадиган зерикарли дефрагментацияни амалга ошириш талаб этилмайди. Бунинг ўрнига қимматли вақтингизни бирон-бир фойдали машғулотга сарфлашингиз мумкин.

7) Айнан очик коди боис Linuxнинг жуда кўп дистрибутивлари ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бири муайян мақсадларга йўналтирилган. Ҳар ким ўзи учун мос, иш самарадорлигини оширувчи шаклини танлаб олиши мумкин.

8) Ўрнатиб бўлгач, дистрибутивда ўзингиз кутган натижани кўрмасангиз, унча хафа бўлманг. Негаки, Linux тизимлари оиласини «қўлга ўргатиш» жуда осон. Тизимни созлашга 1-2 кун вақтингиз кетса ҳамки, охири-оқибат орзуингиздаги тизимни қўлга киритасиз. Бу унчалик мушкул иш эмас.

9) Аксарият дистрибутивлар мутлақо бепул тарқатилади. Сиз уларни интернетдан юклаб олишингиз, почта орқали буюртма асосида олишингиз ёки

Linuxни танлаш учун 10 сабаб

тизимингизни Windowsга алмаштиришга шоянмаганингиз мақсадга мувофиқдир.

2) Linux тизимлари оиласи тезкорлиги билан шуҳрат қозongan. Шу боис сермаҳсул фаолият юритиш учун кучли ва қиммат қўшимча ускуналар харид қилишга ҳожат қолмайди. Бу амалиёт тизимининг бир шаклидан иккинчисига ўтишда компютернинг аппаратурасига ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди. Ажойиб график эффектлардан баҳраманд бўлиш учун оддийгина нетбук ҳам kifоя.

3) Linux фойдаланувчисимиз? Унда бепул дастурий таъминотлар дунёсига хуш келибсиз! Бепул пишлоқ фақат қопқонда бўлади дейишга ошиқманг. Тўғри, бундай софт ҳар доим ҳам Windows платформасидаги пулли дастурлар ўрнини боса олмайди. Бироқ линуксчилар қўл қовуштириб ўтирадиган анойилардан эмас, ўрганишяпти, изланишяпти. Уларнинг дастур коди очик

бўлиб, софтларни истаганча, хилма-хилини танлаб олишга имкон беради. Тасаввур қилинг-а, дастурнинг қонуний (легал) нусхасидан мутлақо бепул фойдаланишингиз мумкин. Бунақаси қайда бор?!

4) Тўғри созланган Linux ишдан чиқмайди. Демак, сиз тасодирий хатоликлар сабаб компютер тизимингиз «осилиб қолиши» ёки қайта юкланишдан чўчмасдан бамайлихотир ишлайверсангиз бўлади. Айниқса, компютерда асосан ҳисоботлар, маърузалар, курс ишлари, рефератлар ва ҳоказоларни тайёрловчилар учун бундан маъқули йўқ. Айтишларича, Linuxни 200 кунгача қайта юкласдан ишлатиш мумкин экан (биз синаб кўрмадик).

5) График муҳитидаги бунчалик кўп ранг-баранг созланмаларни бошқа ҳеч бир тизимда учратмасиз. Ҳар бир фойдаланувчи очик коди туфайли тизимнинг ўзига хос ва такрорланмаслигига эришиши мумкин.

бўлмаса рамзий тўлов эвазига қўлга киритишингиз мумкин. Янгилинишлар аниқ даврийликда амалга ошади, буниси ҳам бепул.

10) Албатта, Linuxда ишлаш қўшимча кўникмаларни талаб этади. Ҳар доим ҳам қурилмалар кўнгилдагидек ишлайвермайди, тизимдаги автосозлашлар фойдаланувчига ноқулайликлар туғдириши эҳтимолдан йироқ эмас. Ажойиб техник қўллаб-қувватлаш тизими, ёрдамга шай инсонлар тўпланувчи кўплаб форумлар бўлажак фойдаланувчини жалб этиши турган гап. Бир сўз билан айтганда, Linux фойдаланувчилари ҳамжамияти жуда дўстона ва чиқишмили жамият.

Танлов ҳукми ўзингизга ҳавола, фақат бир қарорга келишдан олдин амалиёт тизимининг барча афзаллик ва камчиликларини эътибордан қочирманг — шунда марра сизники.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

Windows ва Linux амалиёт тизимлари компютердан фойдаланувчилар ўртасида доимий баҳсларга сабаб бўлиб келган. Уларнинг қайси бирини танлаган маъқул? Қуйида эътиборингизга ҳавола этиладиган 10 тавсия Linuxнинг афзалликлари хусусида.

1) Linux — энг хавфсиз тизим. Дарҳақиқат, амалиёт тизимини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларидаёқ хавфсизликка катта эътибор берилгани боис Linuxни бемалол фундаментал хавфсиз тизим деб аташ мумкин. Айниқса, компютерингизда муҳим ва махфий ҳужжатлар билан ишласангиз амалиёт

Инобатга олинган истак

Боболочинлик бир гуруҳ болалар махалла фуқаролар йиғинига компютерни ўрганиш нияти билан мурожаат этишди. Бу ҳақда талаб тез орада Жалойир кишлоқ фуқаролар йиғинига етказилди.

— Ёшларнинг мақсади ҳолис, уларни, албатта, қўллаб-қувватлашимиз керак, — деди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Самандар Абдувоҳидов.

Кўп ўтмай саккизта махалла фалолари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”-ги қарори ўрганилиб чиқилди.

Боболочинлик болаларнинг истиаги қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Ниҳоят, тadbиркор Равшан Абдурахмонов қилшоқда ёшлар учун компютер маркази очишни зиммасига олди. Шу чоқ кимдир “Ўйлаб гапиряписми, компютерга электр қуввати керак, қолаверса, харажати ким тўлайди” деб қолди. Равшан эса “Ташвиш чекманг, тўловларни ўзим тўлайман” деди қатъий оҳангда. Унинг журъати ва дангаллиги тadbиркор Тошбой Жўраевни савоб ишга илҳомлантириб юборди: “Жолойир ма-

ҳалласида мен ҳам компютер маркази очаман!”. Бу ташаббус олқиш билан кутиб олинди.

Кишлоқ ёшларининг компютер саводхонлигини шакллантириш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар эрта баҳорда бошланди. Tadbиркорлар сўзининг устидан чиқилди. Боболочиндаги 13 ва Жолойирдаги 9-мактабларга қўйилган компютер тўпلامлари ишқибозларни чорлай бошлади. Ҳозир қарийб 100 нафар бола янгидан ташкил этилган шохобчаларда дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Улар билан Фарҳод Алманов ҳамда Азиз Кўчкинов каби ёш ва иқтидорли мутахассислар шуғулланишмоқда.

Баркамол авлод йили муносабати билан йўлга қўйилган янгиликдан ота-оналар ҳам мамнун. Компютер марказига қатнов кишлоқ ёшларини бемаъни юришлардан тобора узоқлаштироқда. Аксинча, дунёни билим,

мустақиллик берган беқийёс имкониятлар салмоғини англашда катта аҳамият касб этапти. Тўғри, улар фақат компютерни ишлатиш сирларини ўрганиш ёки турли-туман сайтлар орқали тафаккурини бойитиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ, балки дастур асосида фойдали компютер ўйинлари билан ҳам гоҳ-гоҳида шуғулланишмоқда.

— Ўз навбатида компютер ёнида кўп қолиш саломатлик учун ҳам зарарли эканлигини уқтирган ҳолда енгил спорт машқларини бажариш кўникмаларини шогирдларимизга ўргатиб боряпмиз, — дейди мурабий Фарҳод Алманов. — Бўш вақтлардаги фаолиятга бундай ёндашув ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Кишлоқ мактаби ўқувчиси Алишер Раҳматов учун амалдаги Баркамол авлод йили унутилмас давр бўлиб қолади. У “Келажак овози” кўриктанловининг компютер саводхонлиги йўналиши бўйича вилоят ва республика бахсларида фахрли ўринларни эгаллаб қайтди. Ваҳоланки, жорий йилда очилган компютер марказларига қатнаётган ўғил-қизлар орасида

бундай истеъодлар оз эмас.

— Худудимиздаги Уяс ва “Ўзбекистон 5 йиллиги” маҳаллалари ёшлари ҳам компютер марказлари очишимизни сўраб мурожаат қилган эди, — дейди Қумқўрғон туманидаги Жолойир кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Самандар Абдувоҳидов. — Шунингдек, опа-сингилларимиздан ҳам компютерни ўрганиш бўйича талабнома тушган. Бунни амалга ошириш учун кишлоқ қизларидан икки нафарини компютер курсларига жўнатдик. Эътиборлиси, баъзи бадавлат оилалар компютер сотиб олиб, бу дастурдан кенг фойдаланишмоқда.

... Амалдаги ахборот асрининг тонг ҳавосидай ёқимли нафаси олис-олис кишлоқларда уфура бошлаганидан қувномай бўладими?! Айниқса, келажак эгалари бўлган ёшларнинг қизиқиши чинакам соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод шаклланаётганидан дарак бермоқда. Энг муҳими, уларнинг эзгу ниятлари қишлоқ мулкдорлари томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Ҳозирги кунда республикамиз мактабларининг 73 фоиздан кўпрогини энг замонавий ўқув лаборатория ускуналари, компютер синфлари, электрон дарсликлар, услубий қўлланмалар билан жиҳозлаш босқичи изчил амалга ошириляпти. Шу жумладан, олмон тили дарсларида ҳам ахборот технологияларидан фойдаланиш аста-секин ривожлана бошлади.

Ўтган йилнинг ўзида Урганч шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабига ва УрДУ қошидаги 2-академик лицейга германияликлар компютерлар ва ўқув жиҳозлари, телевизорлар, электрон дарсликлар ва китоблар келтирилди.

Олмон тилидан таълим бериш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан қанчалик кўпроқ фойдаланилса, ўқувчиларнинг немис тилидан олган билим ва кўникмаларини шакллантириш шунчалик осон бўлади.

Мактабимиз 2006 йилда қайта таъмирдан чиқарилгач, Халқ таълими вазирлиги томонидан 15та компютер ажратилди. Илгари информатика дарсларининг амалиёти бошқа мактабларда ўтказилар эди. Шу сабаб уларнинг компютер саводхонлиги унчалик яхши эмас эди. Ҳозир эса мактабимизнинг ҳамма ўқувчи ва ўқитувчилари бемалол компютерда ишлаш оладилар. Бу таълим самаралорининг яхши кўрсаткичга кўтарилганидан далолат.

Бу йил компютерларимиз интернет тизимига уланди. Биз ўқитиш жараёнида интернетдан чексиз ҳамдаги маълумотлар базаси сифатида фойдалана олиш имкониятини қўлга киритдик.

Мактабимиз ўқувчилари электрон дарсликлар ёрдамида қўллаб маълумотларга эга бўладилар. Дарсдан ташқари вақтларида мултимедиадан, тестлардан фойдаланадилар. Ҳамма фанлар қатори немис тили фанидан ҳам электрон дарсликлар бор.

Мен ўз дарсларимни янги педа-

Олмон тили дарсларида АКТдан фойдаланиш



гогик тегиологиялар асосида ўқитаман. Компютер хонасида ўқувчилар олмон тилини соф оҳангда тинглабгина қолмай, мавзуга оид машқларни, кўшиқларни видеотасвирларда томоша қилиб тўғри ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш каби билим, кўникма ва малакаларини шакллантирадилар.

Ахборот тегиологиялари ёрдамида дарс ўтишининг афзал томони шундаки, ўқувчиларимиз Германия маданияти, тарихи, санъати ва адабиётига, урф-одатларига тааллуқли қўллаб маълумотларга эга бўладилар. Мен тўғрарак машғулотларимда ҳам электрон

дарсликлардан фойдаланаман. Компютердан фойдаланишимизда мактабимиз ЭХМ оператори Нодира Курбонова ва информатика фани ўқитувчиси Равшан Жуманиёзов яқиндан ёрдам беришди.

Янги педагогик тегиологиялар негизида ахборот тегиологияларининг тутган ўрни жуда каттадир. Мен бунни ўз иш тажрибамда яққол кўрдим.

Педагогик тегиологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот тегиологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёр-

гарлигини, маҳоратини кучайтиришига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация тегиологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот тегиологияларини ривожлантириш дастури”да давлатнинг бу соҳадаги сиёсати миллий ахборот тизимини шакллантириш деб ифодаланган бўлса, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 4.10-банди таълим тизимининг яхлит электрон ахборот маконини вужудга келтириш ҳақидадир. 2002-2010 йилларга мўлжалланган компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация тегиологияларини ривожлантириш давлат дастурида бу йўналиш бўйича педагогик кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш вазифаси қўйилган. Буларнинг барчаси таълимда ахборот тегиологияларини кенг тарғиб этиш ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётганининг далилидир.

Келгуси авлодларга таълим беришда ахборот тегиологияларининг тутган ўрни беқийёсдир. Мактаблардаги интернет глобал тармоғининг афзал томони шундаки, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари республикамизнинг бошқа вилоятларидаги мактаблар билан ўзаро ахборот алмашадилар ва қўллаб ўзларига керакли маълумотларга эга бўладилар.

Нилуфар БОҚИЕВА,
Хоразм вилояти
Хонқа туманидаги 20-мактабнинг
олмон тили ўқитувчиси

➔ DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Тошкент вилояти аҳолисига “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиали почта алоқаси хизматларини кўрсатиб келмоқда. Вилоят Давлат алоқа инспекцияси ўз ваколати доирасида филиал томонидан истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатилиши бўйича доимий равишда назорат ишларини олиб бормоқда.

Давлат алоқа инспекцияси ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ўртасида почта алоқаси объектиларида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўзаро келишув ишлари чикрилган ва тасдиқланган. Келишув режа-жалвалига асосан, жорий йилнинг ярим йиллиги давомида жамиятнинг Тошкент филиалига қарашли Чирчиқ ва Эшонгузар почта алоқаси тармоқларида ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилди.

алоқа бўлимлари бўлишига қарамадан, почта қутиларига шартли рақам белгилари (индекс) ёзилмаган ҳолатлари маълум бўлди.

Эшонгузар почта алоқаси тармоғининг ҳисоботлари ўрганилганида, ҳисобот ҳамда йўқламадан ўтказилган почта қутилари сони мос келмаслиги; 2010 йил учун тасдиқланган 1-йўналиш автомашина тракт бўйича ҳаракатланиш жалвалига Зангиота алоқа бўлими киритилмаган бўлса-

объектигача ўтиши назорат муддатларини назорат қилиш мақсадида Давлат алоқа инспекциясининг 2010 йил 19 февралдаги «Почта алоқасининг универсал хизматларини кўрсатиш сифати назоратини янада кучайтириш тўғрисида»ги 62-бўйруғининг бажарилиши юзасидан Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2010 йилнинг ўтган ярим йиллиги давомида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига қарашли почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари ва почта қутилари орқали вилоят ҳудудида истиқомат қилувчи адресатларга 115та (57та буюртмали ва 58та оддий) назорат хатлари юборилган бўлиб, мазкур юборилган назорат хатлари таҳлил қилинганда, саккизта оддий назорат хатлари почта қутиларидан олувчиларга кечилинган ҳолда топширилганлиги ҳамда саккизта оддий назорат хатлари адресатлар манзилларига етиб бормаганлиги аниқланган, мониторинг натижалари аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва хизматлар сифатини ошириш чораларини кўриш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига тақдим этилган.

Камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалининг тегишли буйруқлари билан интизомий жазо чоралари кўрилган.

Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан мазкур йўналиш бўйича ишлар 2010 йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳам давом эттирилиши кўзда тутилган ва истеъмолчиларга сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилиши доимий назоратга олинган.

Юқорида келтирилган камчиликларнинг юзага келиши ходимларнинг соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мукамал билмаслиги ва ўз ишларига эътиборсизлигидан дарак беради.

Келгусида олиб борилаётган ишлар сифатига жиддий эътибор қаратилади ҳамда юқорида қайд қилиб ўтилган камчиликларни қайта тақролламаслик, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишда тубдан ўзгаришлар бўлади, деган умидламитиз.

А.ЮСУПОВ,
Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

➔ O'RAMIZDAGI ODAMLAR

Шарафли касб соҳиб

Ҳамидулла Муҳитдинов дехкон оиласида таваллуд топган. У бошқа тенгдошлари катори Тошлоқ тумани Заркент кишлоғидаги 12-ўрта мактабда билим олди, ammo техникавий фанларга кизиқиши юқори эканлиги ўша йилларда ҳам яққол сезилиб турарди.

— Ўрта мактабни битирган йилим Фарғона шаҳридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш техникумига ўқишга кириб, радиотехника бўлимининг 1978 йилда муваффақиятли тугалладим, — дейди Ҳамидулла Муҳитдинов. — 1980 йили Фарғонадаги “Зангори экран” бирлашмасининг Марғилондаги филиалида радиоэлектрон ускуналарни таъмирлаш механизми вазифасида ишладим. 1981 йилдан 1985 йилга қадар ўлчов асбоблари ва автоматика соҳасида фаолият кўрсатдим.

Техникага ихлосманд йигитни 1985 йили Тошлоқ тумани алоқа корхонасига ишга таклиф этишди. Дастлаб туман электралоқа тармоғида монтер бўлиб ишлади. Малака ва тажрибаси ошиб борган Ҳамидулла орадан қисқа вақт ўтгач, бешинчи тоифали станция монтери, электромеханик, катта электромеханик вазифаларида ишлади. 1993 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электралоқа факультетини тугаллаб, электрон алоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича диплом эгаси бўлди.

Ҳамидулла кўп йиллар давомида Тошлоқ тумани АТС муҳандиси, катта муҳандис, тармоқ муҳандиси вазифаларида ҳалол меҳнат қилди.

2001 йили “Фарғона Телеком” ОТАЖ Тошлоқ филиалида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган “DTS-1100A” русумли электрон АТС ўрнатилиб, ишга туширилди. Шу давргача янги электрон АТСнинг вилоят билан боғлиқлигини яхшилаш мақсадида Тошлоқ-Фарғона ва Тошлоқ-Қува йўналиши бўйича оптик тотали кабел ётқизилган эди. Шу билан ҳаво линиялари ер ости канализацияларига ўтказилди.

2003 йилда биринчи марта туман ҳокимлиги ва “Фарғона Телеком” филиали раҳбарияти кўмаги билан ягона тизимга, яъни тумандаги барча қишлоқ АТСлари олти рақамли тизим тармоғига уланди. Фарғона, Марғилон шаҳарларига шаҳарлараро сўзлашув тармоғи орқали эмас, балки тўғридан-тўғри улашиш имконияти яратилди. Шундай қилиб, келажакда туман бўйича узлуксиз ва аъло даражада аҳолига алоқа хизмати кўрсатишга қўл ўрилди. Бу эзгу ишларда Ҳамидулла Муҳитдиновнинг хизматлари катта. Камтар, билимдон, изланувчан, ҳамкасбларига садоқатли Ҳамидулланинг номи, унинг фидойилик кўрсатиб ишлаши жамоа ўртасида фахр билан тилга олинади. 1994 йилдан 2001 йилгача туман электралоқа боғламаси бошлиғининг ўринбасари, 2001 йилдан 2005 йилгача “Фарғона Телеком” ОТАЖ Тошлоқ филиали раҳбари лавозимида ишлади. 2005 йилдан бошлаб Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, 2010 йил 1 августдан шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Сирождин Муллажонов, Қобилжон Ҳожиматов, Ботир Йўлдошев сингари мутахассислар у кишининг маслаҳатларига амал қилиб, меҳнатда муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ҳамидулла тиниб-тинчимас, гайрат-шижоатли, жамоада ҳамма ишларда бош-қош. У “Фарғона Телеком” филиали томонидан бир неча марта фахрий ёрликлар, ташаккурномалар билан тақдирланган.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Хулосат

Шубҳаланаётганингда жасоратингни ишга сол. Жасорат таҳликаларни кўриб кўрмасликка олиш эмас, балки таҳликани енгишир.

Фридрих Рихтер

Камчиликлар қайтарилмас...

Ўрганиш натижасида почта алоқаси тармоқлари ходимлари томонидан бир неча ҳолатларда «Почта қоидалари» ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари қўпол равишда бузилиб келинаётгани аниқланди, жумладан:

- Чирчиқ почта алоқаси тармоғида абонент қутилари йўқламадан ўтказилмаган;

- Чирчиқ ва Эшонгузар почта алоқаси тармоқларига қарашли марказий бўлимлар ва алоқа бўлимларида рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари олувчига топширилган «Почта қоидалари» талаблари асосида амалга оширилмаган;

- Чирчиқ ва Эшонгузар почта алоқаси тармоқларига қарашли марказий бўлимларда корхона ва ташкилотлар томонидан почта жўнатмаларини қабул қилиниши ва топширилиши юзасидан юк хатлари почта қоидалари асосида расмийлаштирилмаган;

- Чирчиқ почта алоқаси тармоғида почта қузувчилари томонидан почта жўнатмаларининг қабул қилиниши ва топширилиши юзасидан юк хатлари почта қоидалари асосида расмийлаштирилмаган;

- Эшонгузар почта алоқаси тармоғида соҳага тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш учун масъул ходим ажратилмаган ҳамда соҳага тегишли қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг буйруқлари асосида меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар тўлиқ киритиб борилмаган;

- Эшонгузар почта алоқаси тармоғи марказий бўлимига кириш олдида почта қути-си ўрнатилмаган ва алоқа бўлимлари қишлоқ типидagi

да почта айирбошлаш ишлари амалга оширилиб келинганлиги; марказий бўлимида кун охирида назоратчи оператор томонидан чипта дафтлари назорат қилинмаслиги оқибатида тарифлар нотўғри қўлланилганлиги; 2009 йил феврал, апрел, июл, сентябр ҳамда 2010 йил январ, феврал, март, апрел ва май ойларида 39та алоқа бўлими билан почта айирбошлаш ўтказилмаганлиги; хатларни белгиланган назорат муддатларида ўтиши бўйича 2009-2010 йиллар давомида назорат хатлари жўнатилмаганлиги; Эшонгузар почта алоқаси тармоғи томонидан 2009-2010 йилларда тарозилар қиёслаш кўригидан ўтказилмаганлиги каби ҳолатлар аниқланди.

Иш жараёнида ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган масъул ходимларга нисбатан филиал буйруғи билан интизомий жазо чоралари кўрилган.

Ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича почта алоқаси тармоқлари томонидан тегишли чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган ва режанинг бажарилиши вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан назоратга олинган.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2001 йил 22 январдаги «Почта ва телекоммуникациялар маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари ва меъёрлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 29-буйруғи билан амалга киритилган ёзма хат-хабарларнинг қабул қилинган жойдаги почта алоқаси объектидан уларни топшириш жойидаги почта алоқаси

Ўрناق олса арзийди

...Қаҳратон совук, ўрмон. Қорда қандайдир бир шарпа ҳаракат қилапти. Немислар тарафидан отилган ўқлар чийиллаб учеди. Шарпа бошини қорга тикиб, кимирламай жим бўлиб қолади. Бу шарпа никоб — ок ҳалат кийган алоқачи-жангчи Жақсимурат Айданиязов эди. Совук унинг этини жунжиктирар, автомат ва оғир сим ўрагич елкасига ботар эди.

У бунга эйтибор қилмасдан артеллериячилар жойлашган жойга тортилган алоқа симларини кўздан кечириб, секин эмаклашда давом этди. Дарёнинг нариги тарафидаги немис снайпери уни нишонга олиб, тинмай ўққа тутар, ўлим хавфи кучли, бироқ Ватан олдидаги бурч ундан ҳам кучлилик қилмоқда эди. У тепачалар ортга яшириниб, снайпер ўқ узишни тўхта-тишини кута бошлади ва бир зум олсиди юртини, онасини, тўрағилзор тўқайларни, мазаси тилёлар қовунларни эслади бошлади. Бир оз дам олиб, яна ҳаракатини бошлади. Бирдан немислар тарафидан миномёт товуши эшитилди ва унинг ён атрофида қор аралаш ер кўтарилиб портлашлар бошланди. Бугун вужуди билан ерни кучиб, ўзини она ер ҳимоясига топширди. Бу портлашлар бир неча дақиқа давом этди, дақиқалар ҳар лаҳзаси мисли асрга тенг эди. Бир неча қадам нарида портлаш рўй бериб, тупроқ кўтарилиб унинг устига тушди. Портлаш товушидан қулоғи битган жангчи яна ҳаракатни бошлади ва симда узилиш бўлган жойни топди, у ер шундоққина дарёнинг ёнида эди. Қун совуқ бўлса ҳам тезоқар дарё музламаган ҳамда симнинг учи дарёга чўкиб кетган эди. У

симни тортиб кўрди, лекин сув тагида нимагадир илашиб қолган сим унинг ҳаракатларига бўйсунмади. Жангчи автоматини, сим ўрагични ва бошқа ускуналар солинган оғир юк халтасини ечди. Дарёга тушиб сувга томоғигача ботиб, симнинг ўралиб қолган жойини топди. Совуқ сув унинг баданига ханжар мисоли санчилиб, суяк-суякларигача қақшатиб юборди. У сувдан симни олиб чиқди ҳамда акашак қўллари билан узилган жойини бир-бирига бирлаштирди. Штаб билан артеллериячилар ўртасида алоқа тикланиб, тўпчилар немислар устига ўқ ёғдира бошлади. Танклар ва пилдалар ҳужумга ўтишди. Ғалаба томон яна бир қадам ташланди. Алоқачи жангчи эса яна ўз алоқа пунктига — штабга қайтиб келиб, музлаб қотиб қолган кийимларини алмаштириб исиниб олди. Унинг бу қаҳрамонлигини деярли ҳеч ким пайқамасди, у ҳам бу ҳақида ҳеч кимга айтмади.

Ҳозирги кунда биз олис қишлоқлар билан ҳам уяли ёки оддий телефон орқали боғланиб, керакли маълумотларни ола оламиз. Интернет орқали дунёнинг чеккасида нима воқеалар рўй бераётганлигидан хабардормиз. Мустақил юртимизда ижтимоий-иқти-

содий соҳаларда юксалишлар, ютуқлар кўп. Айниқса, алоқа соҳаси шундай соҳалардан бири. Бу ютуқларга бирданига эришилгани йўқ, бу ютуқлар минглаб одамларнинг меҳнати натижасидир. Қаҳрамонимиз, 1922 йил Қорақалпоғистоннинг Кегайли туманида туғилган Жақсимурат Айданиязов ҳам алоқа соҳаси ютуғига муносиб улуш қўшганлардан. 1942 йилда Кегайли туманидан 1100 киши бирданига фронтга чақирилган. Кегайли каналида улар кўплаб кемаларга ўтириб, йўлга чиқишган. Ҳозир ҳам халқ орасида "кўп кема билан кетганлар" деган гап бор. Улар орасида Жақсимурат Айданиязов ҳам бор эди. У 1942-45 йилларда 3-Беларус фронтда жангларда қатнашиб, Берлин шаҳригача борган. Юқорида айтиб ўтганимиз унинг урушдаги ҳаётидан бир лавҳа холос. Жақсимурат ака уруш тугагач, фронтдан уйига қайтиб келиб, алоқачи монтер бўлиб иш бошлади. Одамлар Жақсимурат акани меҳнатқашлиги, оққўнгиллиги учун ҳурмат қилишди. Жақсимурат ака қишнинг аёзли бўронларини, ёзнинг жазирама иссиқларини писанд қилмасдан пиёда юриб, халқ хизматини қилган, ўз вақтида узилишларни бартараф этган. Ушбу меҳнатлари учун унга 1971 йилнинг 8 май кунини Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Қаҳрамонимиз Жақсимурат Айданиязовнинг ҳаёт йўли ўсиб келаётган авлод учун ўрناق бўлса арзийди.

Бахтияр ЖУМАНИЯЗОВ,
алоқа ходими, Нукус шахри



Соатили

Чиққиллатиб милларин
У ён-бу ён юради
Ҳеч чарчамай,
Ҳеч тинмай
Мендан олдин туради.

Сумалак

Ҳовлимизда момолар
Қайнатади сумалак,
Сумалакка тошлардан
Майда-майдаси керак.
Юртимиз тинч бўлсин деб
Ковлайдилар момолар,
Дастурхони безатар
Ҳалим, сомса, кўк барак.
Қозонларда сумалак
Бақир-буқур қайнайди,
Менинг эса дилгинам
Хўп қувониб яйрайди.
Қирлардаги долалар
Шамолларда тебранар,
Мени тезроқ терсин деб
Осмонларга бўйланар.
Қозондаги сумалак
Ўзи жуда тўйимли,
Уни бир ялаб кўрсанг
Кўнглинг бўлар хузурли.

Апра

Муस्ताқиллик майдонида
Жуда баланддир арча
Кўргани келар барча
Безакларичи қанча
Санаб бўлмади, анча
Ўзбекистонда арча
Яшанб туради
Хар қанча

Қор

Кеча мен кўрган дала
Бугун гўё оқ ғилла,
Оқ ғиллага бўрилиб
Ёғар катта капалак.
Капалакмас, балки у
Музқаймоқлар галаси,
Оғзимга солсам шу он
Эриб кетар ҳаммаси.

Мушугим

Мушугимга бир қаранг,
Дўмбоққина ранг-баранг.
Мийвайди ҳар замон,
Қорни очганда гумон.
Кўзи чақнайди ҳар ён,
Келса ёшимга ҳамон,
Бераман сут ва пон.
Муйловларини ялаб
Кетар укамга томон.

Гулҳаё ҲАМРОЕВА,
Тошкент шахар
Ҳамиз тумани
155-мактаб ўқувчиси

“Билайн” GSM ва EDGЕни Қашқадарёда ривожлантирмоқда

«Билайн» GSM тармоғининг Қашқадарё вилоятидаги қамров ҳудуди кенгайганлиги ҳақида хабар қилди.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, «Юнител»нинг Жанубий минтақавий филиали директори Улуғбек Аҳмедов шундай деди: «Жорий йилда янги база станцияларининг бунёд этилиши — тармоғимизнинг сигимини кенгайтириш билан бирга, янги ҳудудларни қамраб олиш мақсадига ҳам қаратилди. Бу эса «Билайн» алоқа сифатини янги даражага оширишга имкон берди. Бунда биз мижозларимизнинг тезкор мобил интернетга бўлган талабини ҳам инобатга оламиз: бугунги кунда Жанубий филиалнинг 2010 ҳудудида EDGE технологияси ишга туширилган».

Янги база станцияларининг қурилиши оқибатида Хонобод, Ҳилол, Кўкдала каби аҳоли масканлари «Билайн» алоқаси билан таъминланди ҳамда Косон, Касби, Китоб ва Чирокчи туманларидаги тармоқ сигими кенгайди. Бундан ташқари, кўшимча ускунанинг ўрнатилиши Қарши—Шахрисабз ва Қарши—Бухоро автоўйларидagi радиоқамровни яхшилашга имкон яратди.



Интернет-каналнинг ўтказувчанлик қобилияти янада ошди

Октябр ойида «Билайн» томонидан фойдаланиладиган халқаро интернет-каналнинг сигими 25 фоизга кенгайтирилди.

Бу ҳақда «Юнител»нинг жамоатчилик билан ишлаш бўлими катта менежери Ораз Абдуразоқов қуйилганлиги таъкидлади: «Интеграциялашган телеком-оператори сифатида, биз кўп сонли маълум технологиялар ёрдамида интернет тармоғига улашни тақдим этамиз. Шубҳасиз, техник имкониятларимизнинг кенгайтирилиши мамлакатимизнинг интернетлашув даражасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади».

2010 йилда «Билайн» ташқи интернет-каналнинг ўтказувчанлик қобилияти жами 75 фоиздан зиёдроққа оширилди. Эслатиб ўтамиз, Тошкентдаги АКТ-саммити жараёнида халқаро ахборот тизимларидан фойдаланишнинг умумий тезлигини яқин ойларда янада ошириш режалари тингланди. Мазкур тезлик 1-ярим йилликда 1,58 Гбит/сек. га етди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан, «SYSTEM TECHNOLOGY» масъуляти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000615 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 18 октябрдан тугатилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кўқон почта алоқаси тармоғи кўчма алоқа бўлими бошлиғи Абдуҳамид АБДУРАХМОНОВНИ 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик узоқ умр, фарзандлар камоллини кўришликни тилайди.

ЭЪЛОН

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 1-мактаб томонидан Зарипова Гузал Аминовна номига берилган аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


TENNIS

Теннисчиларимиз галабаси

Москва шаҳрида дунёнинг энг кучли теннисчилари иштирокида ўтказилган "Кремл кубоги" халқаро турнирида Денис Истомин ва Оқул Омонмуродова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Эркаклар ўртасидаги яққалик беллашувларида Денис Истомин дастлабки учрашувни украиналик Иля Марченкога қарши ўтказди. Баҳсда 6:7, 6:2, 6:2 ҳисобида зафар қучган ўзбекистонлик ракетка устаси кейинги босқичда мазкур турнирнинг амалдаги голиби Михаил Южный (Россия) билан рақобатлашади.

Халқаро турнирнинг хотин-қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида Оқул Омонмуродова беларуслик Даря Кустова билан бирга украиналик опасингиллар — Алёна ва Катерина Бондаренкони 6:4, 3:6, 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.



Карл Бек "Tashkent Challenger-2010" голиби



Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатдан келган кучли ракетка усталари иштирокидаги "Tashkent Challenger-2010" анъанавий халқаро теннис турнири муваффақиятли якунланди.

Мусобақанинг финал баҳсида словакиялик Карл Бек ва люксембурглик Жилл Мюллер голиблик учун куч синашди. Ҳал қилувчи беллашувда рақибдан 6:7, 6:4, 7:5 ҳисобида устун келган словакиялик теннисчи "Tashkent Challenger-2010" турнири бош совринини қўлга киритди.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларида Буюк Британия вакиллари Росс Хатчинс ва Жемми Мюррей словакиялик Филипп Поласек ва Карл Бек жуфтлигини 2:6, 6:4, 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"Tashkent Challenger-2010" халқаро теннис турнирида қатнашган Профессинал теннисчилар уюшмаси (АТР) вакиллари, мутахассислар, мураббийлар ва спортчилар бу йилги турнир ҳам юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашди.

BADIY GIMNASTIKA

Ҳамюртимиз бронза медал соҳиби

Чехиянинг Брно шаҳрида бадий гимнастика бўйича Гран-при мусобақасининг навбатдаги босқич беллашувлари ўтказилди. Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган моҳир спортчимиз Уляна Трофимова тўп билан бажарилган машқлар бўйича 27,95 балл жамғариб, бронза медал билан тақдирланди.

MINI-FUTBOL

"Ардус" — "Қайрат" — 3:2

Клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган "Ардус" халқаро мусобақага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Қозоғистон чемпионати голиби — "Қайрат" жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Унда Жасур Солиқов, Жамол Шарипов ва Андрей Шлема томонидан киритилган голлар "Ардус"га 3:2 ҳисобида галаба келтирди.

FUTBOL

Тошкент Осиё чемпионатида тайёр

24 октябр куни пойтахтимизда яна бир йирик мусобақа старт олади. Футбол бўйича ўсмирлар терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионати уйинларини "Пахтакор" ва "ЖАР" стадионлари қабул қилади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев Осиё чемпионати олдида 18-22 октябр кунлари ўтказиладиган сўнгги йиғинда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини аниқлаб олди.

Таркибдан жами 23 нафар футболчи жой олди. Маълумки, Осиё чемпионатида ҳам айнан 23 нафар уйинчи "заявка" қили-

нади. Терма жамоа аъзолари 18 октябр куни "Чигатой" терма жамоаларни тайёрлаш марказида тўпланишди ва ойнинг 22-санасига қадар ўша ерда бўлишди. Шундан сўнг, йиғинни якунлаб, "Park Turon" меҳмонхонасига кўчиб ўтишди ҳамда Осиё чемпионати давомида айнан ушбу меҳмонхонада истиқомат қиладилар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мусобақанинг "А" гуруҳида Тожикистон, Иордания ва Индонезия билан бир гуруҳдан жой олган. Дастлабки уйин 24 октябр куни Индонезия терма жамоасига қарши кечади.

Кейинги босқичда Англия, Бразилия ва Россия билан ўйнаймиз

Ўзбекистон ноғиронлар миллий терма жамоаси Аргентинада бўлиб ўтаётган Жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлаб кейинги босқичга йўл олди.

Нигерия терма жамоасининг мусобақага ташриф буюра олмагани туфайли "Б" гуруҳи 3 жамоадан ташкил топди. Вакилларимиз гуруҳнинг биринчи турини ўтказиб юбориб, иккинчи турда Бразилия терма жамоаси устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонишди. Иккинчи турда эса эронликлар билан бўлиб ўтган учрашув голсиз дуранг билан якун топди.

Гуруҳда 1-ўринни қўлга киритган терма жамоамиз энди иккинчи босқичда Англия, Бразилия ва Россия терма жамоаларига қарши баҳс ўтказишди.

Иккинчи босқичнинг биринчи уйинида вакилларимиз Англия терма жамоасини 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ампутантлар ўртасида амалдаги Жаҳон чемпиони ҳисобланади.



ОЧЛ: финалчилар номи маълум

Европада чемпионлар лигасининг гуруҳ уйинлари давом этаётган бир пайтда Осиёда чемпионлар лигасининг финалчилари номи маълум бўлди.

Осиё чемпионлар лигаси. Ярим финаллар. Жавоб учрашувлари.

«СЕНГНАМ ИЛВА ЧХУНМА» (Ж.Корея) — «АШ-ШАБОБ» (Саудия Арабистони) — 1:0

Гол: Ли Донг-Кён (30). Дастлабки учрашув: 3:4.

«АЛ-ҲИЛОЛ» (Саудия Арабистони) — «ЗОБ ОҲАН» (Эрон) — 0:1

Гол: Игор Хосе Маро де Кастро (57)

Дастлабки учрашув: 0:1

Шундай қилиб, 2010 йил 13 ноябр куни Токионинг Миллий Олимпия стадионида Осиёнинг энг кучли жамоаси номи учун Жанубий Кореянинг «СЕНГНАМ ИЛВА ЧХУНМА» ва Эроннинг «ЗОБ ОҲАН» жамоалари баҳс олиб борди.


ВОКС

Виталий Кличко чемпионлик унвонини химоя қилди

Супероғир вазнда WBC чемпиони Виталий Кличко даъвогар боксчи Шеннон Бриггсга муддатидан аввал мағлубиятга учратолмади. Жанг тўлиқ 12 раунд давом этди. Барча раундларда катта устунликка эришган Кличко якунда 120-105, 120-107, 120-107 ҳисобларида галаба қозонди.

Бу катта Кличконинг профессионал фаолиятидаги 41 галабаси бўлди.





Ортикали КОЗОКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби. Бу ном
юртдошларимиз, қолаверса,
хорижлик тасвирий санъат
мухлисларига ҳам яхши
таниш. Яқинда таникли
ижодкор 50 ёшини қарши
олади, ижодий фаолиятига
эса 30 йил тўлади. Шу
муносабат билан рассом
ижодхонасида бўлиб,
Ортикали акани мулоқотга
чорладик.

— Ортиқали ака, умрингизнинг
эллигинчи довоидасиз. Айтин-
чи, бу ёшда ҳам болаликдаги
беғубор орзулар сизни тарк этган
ми йўқми?

— Биласизми, инсон кўнгли
ҳамиша ўзининг беғубор болалиги-
ни кўмсаб яшайди. Чунки, айнан
шу даврда уни ҳаётга бўлган илк
қизиқишлари уйғона бошлайди,
оламини ғуборсиз, мусаффо равишда
кўради ва шунга мос тарзда ўзининг
улкан-улкан орзулари, ўй-хаёллари
билан келажак режаларини тузади.
Ижодкор сифатида айтишим мум-
кинки, ўша ширин давларда тузиб
қўйилган режаларни амалга оши-
риш бугунги кунда ҳам олдимдаги
мақсадларимдан биридир. Зеро,
болаларча беғуборлик билан тузил-
ган режалар, албатта, жамият
манфаатлари учун хизмат қилади,
деб ўйлайман.



— Ижод ўзи нима? Кўнгли
кечинмалари, ҳаёлдаги тасавурлар-
ни бошқалар билан баҳам кўришимиз?
— Саволингизга жуда кенг
тарзда жавоб бериш мумкин. Ижод-
га файласуфлар, олимлар, ёзувчи-
лар ўз таърифларини бериб ўтиш-
ган. Мени наздимда ижод кундалик
фаолиятингизнинг сифат жиҳатидан
юқори қисми. Ижодкор сифа-
тида нафақат ёзувчи, рассом,
санъаткорлар яратган роман,
сурат, кўшиқлар, балки ҳар бир
инсоннинг меҳр кўри тўкилган
иши бўлиши мумкин.

Фусункор туйғулар ИЖОДКОРИ

— Дунёнинг жуда кўп мамлакат-
ларида ижодий сафарларда бўлган-
сиз. Шу давларда Ватан туйғусини
қандай ҳис қилгансиз?

— Қаерга бормайин, қанча муддат
турмайин, ўз она тилимда гапирмаёт-
ганим, қадрдон инсонларимдан анча
узоқда эканлигимни ҳис қиламан.
Жонажон юртимизни тез соғиниб
қоламан. Менимча, биринчи бўлиб
ҳис қиладиганим соғинч бўлса керак.

— Она, Ватан, юрт тўғрисида энг
яхши асарлар ярата олдим, деб
ўйлайсизми?

— Бу туркумда шедевр асарлар
яратиш ҳар бир ижодкорнинг орзуси
саналади, қолаверса, ижодкор
доимо ўз ишларидан қониқмай ижод
қилади, унинг қониқиши бу янги-
ликлар яратишга бўлган ҳисларини
кескин тушириб юборади. Ижодкор-
ни қанчалик асар ярата олганига
ҳалқ баҳо бергани маъқул.

— Одамлар, манзаралар, натюр-
морт мавзуларининг қайси бирида
ишлаш сизга кўпроқ завқ беради?

— Айнан бири бошқасидан усту-
н дея олмайман. Ҳар бир вазият,
асарни яратиш жараёнидаги мотив-
ларга қараб айрим асарларни яра-
тиш бошқаларига нисбатан завқли
бўлиши мумкин. Шунингдек, йил-
дан-йилга вазиятдан-вазиятга қараб

қарашларингиз, излаётган нарсала-
рингиз ўзгариб, мукамаллашиб
боради.

— Ижодкор сифатида сизни
қайси муаммо қийнайди?

— Кўпчилик ёшларимизнинг
китобларга бефарқлиги.

— Устоз ва шоғирдлар ҳақида
ҳам фикрларингизни билдирсангиз.

— Инсоннинг камолга етишида
устозларнинг ўрни беқиёс. Фурсат-
дан фойдаланиб, ҳаётда ўз йўлимни
топишга кўмаклашган устозларим-
нинг барчаларига чуқур миннатдор-
чилигимни билдираман.


ҳодимларига тез-тез ишим тушиб
туради. Уларнинг хизматидан
мамнунман.

— Журналистлардан кўпроқ
қандай саволларни қутасиз?

— Кўп берилмайдиган саволлар-
ни, маълум бир мавзунини тўлиқ очиб
берадиган саволларни қутаман.

— Фарзандларингиз сизнинг
йўлингиздан боришмоқчимиз?

— Фарзандларим айнан мен
танлаган соҳадан боришади, деб
айтолмайман. Қизим дизайн соҳа-
сида ўқийди, институтнинг битирувчи
босқич талабаси.



Устозлар асрлар мобайнида
тўплаган тажриба, билимлари
асосида шоғирдларини ўзларидан-да
маҳоратлироқ бўлишларига кўмак
берадилар. Уларнинг қаттиққўллик-
лари, самимиятлари бизлар учун
катта аҳамиятга эга. Айнан уларнинг
кўмаги шоғирдларининг энг юқори
чўққиларга эришишларида муҳим
рол ўйнайди, деб ўйлайман.

— “Xabar” алоқа ва ахборот-
лаштириш соҳаси нашри. Алоқа
ҳодимлари, соҳа хизматидан қони-
қасизми?

— Бугунги кунда республика-
миз алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси жадал суръатлар билан
ривожланиб бормоқда. Янги техно-
логиялар ҳаётимизнинг ҳар бир
жабҳасига кириб келган. Соҳа

— Яқинда пойтахтимиздаги
Миллий санъат марказида сизнинг
ижодингизга бағишланган кўرғазма
ва албом тақдимоти бўлиб ўтarkan.
Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз?

— Ушбу кўрғазма ижодий фаоли-
ятимга 30 йил тўлиши муносабати
билан ўтказилмоқда. Унда турли
йилларда яратилган асарларим ҳамда
сўнгги йилларда яратилган авангард,
натюрморт, портрет, пейзаж турку-
мидаги янги асарларим ўрин олади.
Ушбу кўрғазмани ташкил қилиш
ҳамда ижодий албомни чоп этишда
бош-қош бўлаётган барча аъзолари-
мизга чуқур миннатдорчилигимни
билдираман.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
сўхбатлашди

<p>Xabar МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиҷжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (маъсул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэма ва суръатлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлигини мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — 0 Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоғжон ЙҮЛДОШЕВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунин чықяди</p>		<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-902 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Алади: 10222 нуска.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоида 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукуса 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 226-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>